

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ АУТИЗМГА ЧАЛИНГАН ВА РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА ТУРЛИ ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

*Қосимова Сиёсатхон Тўлашбоевна  
АДУ эркин тадқиқотчиси*

***Аннотация:** Мақолада мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган ва ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим беришда турли тамойиллардан фойдаланиш усуллари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** махсус таълим дастурлари, махсус тамойиллар, коррекцион-педагогик таълим, таълим тарбия тамойиллари, аутизмга чалинган болалар.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются способы использования различных принципов в обучении детей дошкольного возраста с аутизмом и отклонениями в развитии.*

***Ключевые слова:** специальные образовательные программы, специальные принципы, коррекционно-педагогическое образование, принципы воспитания, дети с аутизмом.*

***Annotation:** The article discusses ways to use various principles in teaching preschool children with autism and developmental disabilities.*

***Keywords:** special educational programs, special principles, correctional and pedagogical education, principles of education, children with autism.*

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган коррекцион-педагогик таълим алоҳида эҳтиёжга мухтож болаларни умумий ривожлантириш, уларни ривожланишидаги мавжуд камчиликларини коррекциялаш ва мактаб таълимига тайёрлашга қаратилади.

Ҳозирги кунда махсус таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва ташкилий шакллари махсус таълим дастурларида тўлиқ акс эттирилмаган. Умумий ривожлантирувчи ва коррекцион вазифаларни уйғунликда амалга оширилиши эса мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган ва ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг тўлақонли ривожланишини таъминлаб, мактаб таълимига тайёрланишига ёрдам беради. Бунинг учун қуйидаги тамойилларга асосланиш мумкин:

- таълим тарбиянинг илмийлиги ва изчиллиги;
- тушунарлилиги;
- кўргазмалилиги;
- билим олишда фаоллик ва мустақил бўлишлик;
- болаларнинг ёши ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш;
- таълимни ҳаёт билан боғлиқлиги.

Таълим тарбия тамойилларига асосланган ҳолда таълимнинг мазмуни, методлари, ташкил этиш шакллари танланиб, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилади.

Мактабгача ёшдаги аутизмга чалинган ва ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига ҳос хусусиятларини, коррекцион-таълимнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг махсус тамойиллари фарқланади. (Н.И.Белова, Б.Д.Корсунская, Л.П.Носкова ва х.к.).<sup>1</sup>

*1. Генетик тамойил.* Мазкур тамойил аутизмга чалинган ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида психик функцияларининг ривожланиш босқичларини, психик ривожланиш қонуниятларини, ҳамда сензитив даврларни ҳисобга олган ҳолда самарали таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

*2. Нутқий мулоқотни ривожлантириши тамойили.* Болаларнинг нутқи мулоқот воситаси сифатида шакллантирилади. Болаларнинг нутқи машғулотларда, кун давомида уларнинг амалий фаолият жараёнида

---

<sup>1</sup> Л.Мўминова, Ш.Амирсаидова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар ,2013.

шакллантирилади. Болаларда нутқий мулоқот қилиш эҳтиёжи тарбияланади, ўз хошиш-истакларини сўзли нутқ воситасида баён этишга ўргатиб борилади. Дастурда болалар эгаллаши лозим бўлган луғат бойлиги белгиланади. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида сўзли нутқнинг уч шакли, яъни оғзаки, ёзма ва дактил нутқ қўлланилади. Ёзма нутқ ўқиш ва ёзиш жараёнида ишлатилади, дастлабки маълумотлар болаларга ёзма равишда (ёзувли карточкаларда) берилади. Сўз таркиби ва тузилишини ўзлаштириш, ўқишни ўргатиш жараёнини тезлаштириш, мулоқотни осонлаштириш мақсадида ёрдамчи восита этиб дактил нутқдан фойдаланилади. Оғзаки нутқ мактабгача таълимнинг якунида, машғулотларда асосий мулоқот воситаси бўлиб қолиши керак. Нутқий мулоқотни ривожлантириш тамойили коррекцион-тарбиявий иш давомида рўёбга чиқарилади, дастур талабларида, айниқса нутқ ўстириш бўлимида ўз аксини топади.

3. *Таълимнинг ривожлантирувчи характериға эға бўлиши.* Мазкур тамойил Л.С.Выгоцкийнинг "яқин ривожланиш зонасини ҳисобға олиш" ғоясига асосланади. Боланинг соғлом вазифаларига асосланган ҳолда, ёшиға мос психик ривожланишни таъминлаш коррекцион ишнинг мазмуни ҳисобланади. Ривожланишида нуқсонни бўлган ва аутизмға чалинган бола ривожланишининг ўзига ҳослиги, айрим билимларни мустақил эгаллаб ололмаслиги, ота- оналар томонидан етарли эътибор берилмаётгани оқибатида, боланинг психик ривожланиш савияси меъёрдан орқада қолада. Мактабгача таълим ташкилотида боланинг барча имкониятларининг рўёбға чиқарилишиға шарт-шароитлар яратилиши лозим. Педагоглар боланинг имкониятлари, "яқин ривожланиш зонасини" аниқлаб, унинг уйғун ривожланишини таъминлаши лозим.<sup>2</sup>

4. *Таълим-тарбиянинг коррекцион йўналтирилганлиги.* Ушбу тамойил таълимнинг етакчи тамойилларидан бири бўлиб, коррекцион таълимнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Болалар нуқсонининг тузилиши ва мураккаблиги, уларнинг алоҳида хусусиятлари ва имкониятлари аниқланиб, ҳар бир

<sup>2</sup> Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.

тарбияланувчига алоҳида дифференциал ёндашилади. Аутизмга чалинган ва ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ривожланишининг ўзига ҳослиги, нутқий ривожланишидаги етишмовчиликлар, диққат ва хотиранинг бузилиши ва мулоқотнинг чекланиши тизимли коррекцион ишнинг олиб борилишини талаб этади. Коррекцион таълимнинг мазмунига нутқ ўстириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш каби махсус коррекцион йўналтирилган бўлимлар киритилади. Кун тартибида ҳар куни 2 соат алоҳида машғулотларга ажратилади.

*5. Таълимни турли фаолиятлар давомида амалга ошириш тамойили.* Боланинг психик ривожланиши турли фаолиятларда кечади. Фаолиятлар жараёнида бола борлиқни ўрганади, атроф муҳитда мўлжал олиш усулларини ўрганади, ижтимоий ҳаётни билиб олади, инсонлар муносабатларини ўзлаштириб боради. Психиканинг ривожланиши етакчи фаолият билан боғлиқ бўлади, фаолият давомида психик жараёнлар ва шахсий хусусиятлар шаклланади (А.Н.Леонтев). Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши буюмли, ўйин, тасвирий, ижодий ва оддий меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу фаолият турларидан фойдаланиб таълим жараёнини яқка тартибда амалга ошириш зарур.

Мактабгача ёшдаги ривожланишида нуқсонли бўлган ва аутизмга чалинган болаларга юқоридаги тамойилларга асосланган ҳолда педагогик-коррекцион иш ташкил этилиши уларнинг когнитив билимларини оширишда, ҳулқ-атворидаги номутаносибликни бартараф этишда ва уларни мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланган адабиётлар :**

1. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар ,2013.
2. Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.
- 3.П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.
4. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений

в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.

5. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.

6. Autizm Brasil Sayt. [uzanalytics.com](http://uzanalytics.com)